

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 26 (66255)
2000 йил 29 июнь, пайшанба.

Сотувда эркин нархда

Турли-туман касблар орасида кўплаб соҳа ходимлари борки, уларнинг бари МАТБУОТ деб аталмиш қутлуг бир ном остига бирлашадилар: журналистлар, ёзувчилар, шоирлар, радио ва телевидение ходимлари... Умр бўйи халқ дардига қулоқ тутиб, миллат ғами, ватан қайғуси ила яшай олгучи, лозим бўлса юрт осойишталиги, дунё мувозанатини сақлаш йўлида жон фидо этгучи касб эгалари - матбуотчилар. Халқнинг кундалик турмуш тарзини, ютуқ ва камчиликларини матбуот кўзгусида ҳаққоний акс эттириб, ҳақ сўзнинг баҳосини ўз ҳаёти-ла ўлчагучи, касб эгаси - матбуотчилар.

Ўнлаб ходимлар - муҳаррирлар, мухбирлар, мусахҳиҳлар, компьютерда харф терувчилар, саҳифаловчилар ва босмахона ишчиларининг қўлларидан бирма-бир ўтиб, ҳар бир харфигача қайта-қайта ўқиладиганидан ёд бўлиб кетадиган газета чоп этилганидан сўнг қанчадан-қанча хонадонларга нур, зиё улашади, қалбларга ором бағишлайди, кимгадир сирдош, кимгадир ёрдамчи бўлади. Азият чекканларга малҳам, адолатталабларга эса кўмак беради.

ЖУРНАЛИСТ - ҲАҚИҚАТ РАМЗИ

Журналист, менинг назаримда, доимо ҳақиқат ва адолат рамзидир. Ҳаётнинг қай бир жабҳасида бўлмасин, юз бераётган воқеа-ходисалар журналистнинг кўзи ва шуури орқали халққа етиб боради. Газетада чоп этилган ҳар бир сўзни одамлар ҳеч иккиланмай тўғридан-тўғри қабул қилишади. Журналистнинг ҳам худди жарроҳ сингари адашишга ҳаққи йўқ. Унинг биргина нотўғри сўзи ёки хатоси туфайли кимларнингдир тақдир чарх-палаги ўз изидан чиқиб кетиши мумкин.

Мен ота-онамга журналист бўлмоқчи эканлигимни айтганимда, улар менга бу касбнинг машаққатлари ҳақида узоқ маъруза ўқишди. Лекин, қийинчиликлар мени унчалик чўчитгани йўқ. Чунки, чин дилдан истаган одам мақсадига албатта етишади.

Сайёра ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги
гимназиянинг битирувчиси.

ЮРАКДА СЎНМАСИН ИЖОД ЧЎҒИ

САБОҚЛАРИМ ЁРДАМ БЕРАДИ

Мен 9-10 ёшлигимдан шеърлар ёзардим, лекин негадир уларни таҳририятларга олиб боришга тортинардим. 10 - синфда ўқиётганимда дадам шеърларимни "Тонг юлдузи"га олиб боришни маслаҳат бердилар. Шеърларимни бироз иккиланиб, газетага олиб келдим. Бир неча кундан сўнг шеърларим босилиб чиқди. Шунақанги хурсанд бўлдим-ки!.. Икки йил давомида "Тонг юлдузи" таҳририятига келиб, газетачилик сир-асрорларини ўргандим. "Тонг юлдузи"дан ўрганганларим менинг келгуси журналистик фаолиятимда асқотишига ишонаман.

Шахло МУТАЛОВА,
Ўзбекистон Миллий Университети,
журналистика факультетининг 2-курс талабаси

Ижод оламига кириб келиб, сўзни сайқаллаш санъатининг таъминини татиб кўриб, ижод дунёсига умрбод маҳлиё бўлиб қолган болалар бу сеҳрли олам эшигини ўзларининг синашта дўстлари - "Тонг юлдузи" газетаси ёрдамида очадилар. Ўзининг илк шеърини, ҳикоя ёки мақоласини кўтариб, ийманибгина таҳририятга кириб келган болакай ёки қизалоқ бу ерда ижод машқини олади, жажжи юракчасини куйдирган ижод чўғи Ватан ишқи-ла ёнган гулханга айланади, орзуларига пахтадек оқ

қанотлар битади. Журналист бўлиш учун табиат ато этган иқтидорнинг ўзи етарли эмаслигини, бунинг учун тинмай изланиши, ўқиши, қаламини таҳрирда чархлаши лозимлигини тушуниб етиб, шу машаққатли, игна билан қудуқ қазिशга менгзалувчи серзаҳмат ишга ўзини бус-бутун баҳшида этиши лозимлигини тушуниб етади. Матбуот унинг ҳаёти, қувонч у ташвишига айланади. Мустақил юртга холис хизмат қилиш нияти ила ёнган ёш мухбирлар ўсиб-улғайиб, охир бир кун Ўзбекистон матбуотида кўзга кўринган забардаст журналистлар бўлиб етишадилар.

МЕНИНГ ҲАМ БАЙРАМИМ

Мени танидингизми? Ҳа, мен ўша Дилобарман-ку. Сиз билан "Тонг юлдузи"нинг «Ёш иқтисодчи» саҳифаси орқали бир неча бор учрашганмиз. Мен шеър ва мақолалар ёзиб тураман. Шулардан «Янги қадам» номли мақолам яқинда 18 май сониде эълон қилинди. Унда бошланғич синфни битириб, биринчи устозимиз билан хайрлашиш ҳаяжонини баён қилгандим. Ўшанда мен дугоналаримни хурсанд қилиш мақсадида уларнинг бир неча суратларини таҳририятга жўнатгандим. Бироқ суратларни, барча дугоналаримнинг исмларини чоп этишмади. Ўшанда синфдошларим «мени ёзмадингми?» деб сал ранжигандек бўлишди. Мен уларга журналистиканинг ўзига хос қоидалари, тартиб-интизомлари, таҳрирлари ҳақида қўлимдан келганча тушунтириб бердим:

-Ҳамма ёзилган «мақолалар»ни ҳам чоп этаверишмайди. Шакли ва мазмунига жуда эътибор берилади. Аниқ далиллар ва манзиллар баён



этилиши керак. Айниқса, шундай «ёш мухбирча»лар бор эканки, улар қўрқмасдан бировнинг асарини кўчириб олиб, сўнгра ўзлаштириб газетага жўнатаверарканлар. Лекин таҳририят ходимлари бундай ҳолларни албатта билиб қоли-

27-июнь куні мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куні кенг нишонланди. Ҳақиқий сўз ҳамроҳи, иллатлар шифокори журналистларни касб байрамлари билан табриклаб, ёш мухбирларимиз ҳам улардан-да зукко ва зийрак бўладилар деб умид қиламиз.

шади. Менга ўхшаган мухбирларга нисбатан ишончлари ҳам сўна бошлайди. Шунинг учун бу касбга жуда масъулият билан ёндошиш керак.

Мени ҳамма «ёш мухбир» деб чақиришади. Биргина мени эмас бари амакиваччаларимни ҳам. Қўни-қўшнилар бувимга ҳавас билан: «Дилоромхоннинг бешта набираси Абдулла Набиев номидаги ўқувчилар саройининг

«Ёш қаламкашлар» тўғарагига қатнайди, жуда одобли болаларда», - дейишаркан.

Гулчеҳра аммамнинг Нодирбек ва Комилбек ўғиллари шеър ёзишади. Уларга боболари катта олим Алийбек Рустамов мумтоз адабиётлардан намуналар ўргатиб, мағзини чақиб берадилар. Амакимининг қизлари Гулноза, Дилноза, Нодиралар шеър ва мақола ёзишади. Улардан намуналар газетада эълон қилинган.

Яна бизнинг оиламизда ўрناк бўладиган устоз журналист бор. Улар ойимнинг амакилари Исмоил Сулаймонов бўладилар. Дастлаб «Сирларё ҳақиқати»да, кейин «Қишлоқ ҳақиқати»да бош муҳаррир, ҳозир «Халқ сўзи»да хатлар бўлимида ишлайдилар. Улар яқинда 70 ёшга тўлдилар. Жуда кўп ҳикоялар ва қиссалари севимли газетам «Тонг юлдузи»да чоп этилган. Мен улардан журналистиканинг сир-синоатларини сўраб, билмаганларимни ўрганияпман. Келажакда яхши журналист бўлмоқчиман.

Дилобар МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳри, Абу Райҳон
Беруний номидаги 243-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

«Гулбаҳор» номли болалар оромгоҳининг аниқ манзилини билиш мақсадида йўловчига мурожаат қилдик.

Тўғри боряпсизлар. У ерда болаларингиз дам ола-яптими? Ҳозир роса уйга кетамиз деб хархаша қилишса керак. Чунки чивин жуда кўп. Хоҳ кундузи, хоҳ кечкурун «еб қўйгудек» талайди.

Айни куёшнинг жазирама иссиғи кайфиятимиз-

-Мавсум бошланганига икки кун бўлди. Лекин ҳали чивинга дуч келмадик. Оромгоҳни ҳафтасига икки-уч маротаба Санитария эпидемиология маркази ходимлари келиб тозалаб, дорилаб кетишди,- дедилар опа хотиржам. Уларнинг хотиржамликлари бизга ҳам ўтгандек бўлди.

«Гулбаҳор» номли санатория типидagi соғломлаштириш болалар оромгоҳи Тошкент шаҳар, Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли.

ДЎСТАЛИК ОЛАМ КЕЗАДИ

га таъсир қилган эди. Унга қўшилиб йўловчининг гапи ҳам бир бўлди. Ахир чивин кўп бўлса, бола-жонларни безовта қилади-да. Терисига ҳар хил микроб тушади. Ундан кейин яра-чақа... Хуллас, чивин деган майда ҳашоратдан нари бўлган дуруст.

Шу ҳаёллар билан «Гулбаҳор»га келиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Унинг эшигидан киришимиз биланоқ ҳовлиларга сувлар сепилган, топ-тоза, жуда салқин манзаранинг гувоҳи бўлдик. Болалар уйқуда бўлгани сабаб, оромгоҳ жуда тинч, осуда. Ҳатто дарахтларнинг майин шитирлаши ёқимли эди.

Бизни бош тарбиячи Акмал Икромов туманидаги 109-мактабнинг маданий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Зулайҳо опа Эргашева қарши олдилар. Салом-алиқдан сўнг биринчи сўраган саволимиз чивин масаласида бўлди.

АКТРИСА ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ

Ишонмайсизми? Агар ишонмасангиз «Талантларни излаймиз» кўрик- танловимизда иштирок этинг. Ана шунда ўзингиз ҳам санъатимизга гувоҳ бўласиз. Ҳатто мактабда мўмингина бўлиб юрган болалар ҳам танловда фаол иштирок этишди.

Мен «Гулбаҳор»да икки ойлаб қолиб кетаман. Чунки менга оромгоҳ жуда ёқди. Тўрт йилдан бери шу оромгоҳга келиб, янги-янги дўстлар орттирдим. Қувноқ ўйинларни, бошқотирма савол-жавобларни айтмасам ҳам бўлади.

Ўқув йили бошланганида синфдошларимга оромгоҳ ҳақида гапириб бераман. Менинг гапларимдан завқланган дугоналарим албатта кейинги мавсумда оромгоҳларда дам олишади.

Насиба ШЕРМАТОВА,
Акмал Икромов туманидаги 98-мактабнинг 7-синф битирувчиси.

Оромгоҳга бир неча йилдан бери Гавҳар опа Муҳаммедова раҳбарлик қилар эканлар.

Ўтган йили биринчи мавсумда 200 га яқин бола дам олган бўлса, бу йил 280 нафар бола 21 кун мобайнида соғломлаштирилади. Оромгоҳ икки мавсумда ишлайди. Учунчи мавсумда эса Мустақиллик байрамида қатнашадиган болажонлар дам оладилар. Ўтган йили бешта бўлим, бу йил эса еттита бўлим ишляпти. Шунга кўра оромгоҳда учта янги ётоқхона ҳам қуриб болалар ихтиёрига топширилди. Янги физиотерапия аппаратлари олинди.



Бир кунлик дори-дармон 280 сўмни, бир кунлик болаларга бериладиган овқатнинг нархи эса 470 сўмни ташкил этар экан.

Шуниси қизиқки, тарбиячи-ю етакчилар, ҳатто болаларнинг аксарияти 4-5 йилдан бери ҳар мавсумда шу оромгоҳга келар эканлар. Айрим болалар икки ойлаб ҳам оромгоҳда қолишни хоҳлашар ва шундай қилишаркан. Буни бизга болалар билан суҳбатлашганимизда ўзлари айтиб ўтишди.

Оромгоҳда «Шахмат, шашка», «Авиамодел», «Теннис», ўйин, расм, қўл тўпи, футбол каби тўғараклар иш бошлаб юборишбди. Ҳар куни эса соат 11.00 дан 13.00 гача спорт мусобақалари ўтказиларкан.

Шу оромгоҳда дам олган кейинчалик етакчи, ҳозирда тарбиячилик қилаётган Гулсара опа 6 йил-

дан бери келаётган бўлса ҳам сира зерикмабди. Шу вақт бир она ўз қизини маълум сабабларга кўра кечикиброқ олиб келди. Қизалоқ эса айнан Гулсара опасининг бўлимида бўлишини илтимос қилди. Бироқ, Гулсаранинг бўлими тўлиқ экан. Тарбиячиларнинг айтиши бўйича болалар ўз шиорларини ўзлари танладилар. Масалан, 10-12 ёшлиқ қизалоқларнинг «Нафосат» 6-бўлимининг шиори: «Нафосат оламида тенги йўқ бизлар, бормикан бизлардан гўзалроқ қизлар» дейишган бўлса, уларга ҳамоҳанг «Хумо» 12-14 ёшлиқ ўғил болалар бўлимининг шиори эса: «Биз Хумо қуш галаси - йигитларнинг сараси» - деб бўш келишмабди.

Назаримизда ҳамма нарсаси ўз ўрнида. Шундай бўлса ҳам бош муҳарриримизнинг «Ютуқлар ўзимизники, камчиликларга танқидий кўз билан қаранг» - деган гапларидан келиб чиқиб, «Муаммо ҳам етарлидир», деган савол бердик. Тарбиячилар эса: «Биз томондан бажарилмай қолган муаммоли иш бўлиши мумкин эмас» - дейишди.

Фақатгина.. оромгоҳ кутубхонаси бизни қониқтирмади, чунки бу ерда асосан кирилл алифбосидаги эски китоблар тахланиб турар эди.

Феруза ОДИЛОВА

ГОЛИБЛИК БИЗГА ЯРАШАР

Менга оромгоҳ жуда ёқди. Бассейндаги тоза сувда мазза қилиб чўмиламан, кунора дискотека бўлади. Теннис, футбол ўйнаймиз. Ўтган йили «Зилола» оромгоҳи билан ўзаро спорт мусобақалари ўтказиб, биринчилиқни қўлга киритганмиз.

Мен айниқса самбога қизиқаман, «Динамо» спорт клубига қатнашаман. Кейинги ой оромгоҳга келолмайман, чунки Чимёнда самбо бўйича мусобақа бўлади. Унга яхшилаб тайёргарлик кўриб, тинимсиз машқ қилиб, юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Фаррух ЭГАМБЕРДИЕВ,
14 ёш, Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги лицейнинг 2 курс талабаси.

ДЎСТАЛИК ДЎСТАЛАР ЙИҒАДИ

лар пиширишар, дарпардаю дастурхон-сочиқларни ўзлари тикишар экан.

Ўғил болалар эса дурадгорлик, керак бўлса бўёқчилик, боғбончилик ишларини ҳам кўнгиллагидек бажаришаркан. Биз уларга яратиб берилган шароитларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Қолаверса, ихтиёрий равишда ҳунармандчилик билан шуғулланишлари албатта ўзлари учун фойдалидир.

Биласизми, 1999 йил 1 мартдан бери «Тараққиёт» Республика жамғармаси бизга оталиқ қилади,- дейди бош администратор Адамбоев Тохиржон Акбаралиевич,- шундан бери меҳрибонлик уйида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Болалар соғлиғига янада эътибор кучайган. Кадрлар масаласи яхшиланди. Мана шу оромгоҳ ҳам уч ой тарбияланувчилар ихтиёрида бўлади. Тўртта бўлимда 95 та бола ҳордиқ чиқармоқда. Умумий майдони 17 гектарли боғимизда пишиб ётган мева-чевалардан ўзимиз мураббо тайёрлаймиз, қоқи қиламиз, г а р ч и оромгоҳда турли миллат болалари бўлсалар-да, уларнинг бари ўзбек тилида бемалол сўзлашадилар. Чунки ҳар бир тадбир ўзбек тилида ўтказилади. Оромгоҳда бўлганимизда рус миллатига мансуб болалар ўзбек тилида ёзилган шеърни ёдлаб ўтирганининг гувоҳи бўлдик. 8 ёшдан 12 ёшгача болаларнинг «Дўстлик» гуруҳи тарбиячиси рус бўлса-да жуда чиройли шиор танлашбди: «Дўстлик олам кезади, дўстлик дўстлар йиғади». 12 ёшдан юқори болаларнинг «Умид» бўлими шиори эса: «Биз порлоқ келажакни умид қиламиз» деган мазмунда бўлиб, болалар ўз деворий газеталари устида ишляётган эканлар. Оромгоҳда «Тикувчилик», «Пазандачилик», рақс, дурадгорлик, дуторчи қизлар,

доирачилар, ёш табиатшунослар тўғараклари болалар хизматида.

Дам олувчилар тоққа саёҳатга чиқишади, оромгоҳлараро мусобақаларда иштирок этадилар. Ҳар бир гуруҳда иккитадан шифокор бўлиб, болаларнинг ҳолидан доимо хабардор. Қизлар ҳеч кимга айта олмаган гапларини шифокорлар билан маслаҳат қиладилар.

Давлатимиз Соғлом авлод - соғлом келажак ҳақида ҳамиша қайғуради. Буни дилдан ҳис қилган жажжи болажонлар шу муқаддас юртга муносафари буюлишига интиладилар.

Муҳаррамма ПИРМАТОВА.

«ШОДЛИК»ДА ШОДЛАНАМИЗ

Ёш фасли мен учун сеvimли. Чунки бу даврда ўқишлардан бироз ҳоли бўлиб, «Шодлик»да дам оламиз. Бу билан мен ўқишни унчалик хуш кўрмайман демоқчи эмасман. Ҳар нарсаси ўз ўрнида яхши. Таътил даврида оромгоҳ ўз уйимиз бўлиб қолади. Унда қизиқ-қизик ўйинлар ўйнаймиз, танловлар, беллашувлар ўтказамиз. Ҳар бир ўқувчи бу мусобақаларда бор маҳоратини ишга солади. Гулхан атрофида дўстлик ҳақида қўшиқ айтишни жуда яхши кўраман. Дўстликнинг ўзи яхши-да. Дўстлик бор жойда меҳр бор, қувноқлик бор, яхши кайфият бор. Биз 22- меҳрибонлик уйи болалари бунга амал қиламиз.

Динара АЗИЗХУҲАЕВА,
128-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

ДУНЁ КЕЗГИМ КЕЛАДИ

Менинг исмим Шоира, Ҳозир ўн беш ёшдаман. Инглиз тилига жуда қизиқаман. Китобларни севиб ўқийман. Спорт ўйинларидан баскетболга қатнашаман. Оромгоҳда мириқиб дам олиш билан бирга тест саволларини ечяпман. Чунки менинг орзум - стюардесса бўлиш. Йўловчиларга ширинсўзлик билан кўнглини олиб, дунё кезгим келади.

Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкентдаги 128-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



БОЛАЖОН, МАКТАБГА ТАЙЁРМИСАН?

Кўчада кетаётиб 5-6 ёшлар атрофидаги болакайнинг хархашасини эшитиб қолдим. Бола онасига:

-Ойижон, қачон мен ҳам акамга ўхшаб мактабга бораман-а? Бўйим акамнинг бўйлари билан барабар бўлди-ку, - дея инжиқланарди. Она-си эса уни юпатиб:

-Озгина вақт қолди. Ҳозирча боғчанга бориб тургин. Ахир, боғчанг мактабдан яхши эмасми, кўп нарсаларни ўрганаёпсан-ку...

-Акам айтдилар, мактабда ухлатишмас экан. Фақат ўқир эканмиз. Боғча опамлар кўп нарсани ўргатиб бўптилар, энди мактабга тайёрланаверинглар, - дедилар. -Мактабда ўқиб, ойижон, катта бўлсам олим бўламан...

Болакайнинг гапларини эшитиб, унинг ўқишга бўлган иштиёқи баландлигини пайқадим. Беихтиёр, боғчаларда тайёрлов гуруҳлари билан қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқиб, пойтахтимиздаги Юнусобод тумани, 133-болалар боғчасининг мудираси Дилдора Рустамова билан суҳбатлашдим:

-Дилдора опа, боғчангизда болаларни мактабга тайёрлаш борасида қандай режалар асосида иш олиб борилмоқда?

-1999-2000 ўқув йилида тарбиячилар давлат талаблари бўйича иш олиб бордилар. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича С. А. Банков тест суҳбати, мактаб ёшига етуклик даражасини аниқловчи

«Керн-йирасик» тестлари ўтказилди. Шу билан бирга болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, табиатга оид билимларини кенгайтириш, тева-рак-атроф билан таништириш, ахлоқ-одобга оид талаблар, жисмоний ривожлантиришга бўлган талаблар, маънавий-маданий етуклик билимлари бериб борилди. Бундан ташқари Она Ватанни севиш ҳамда унга ҳурмат билан қараш, ўз тарихимиз ва маданиятимиз, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Бобур каби авлодларимизнинг бой мероси чуқур ўргатиб борилмоқда.

-Боғчангизда болаларга қайси чет тилларини ўргатиш йўлга қўйилган?

-Инглиз тилини чуқур ўргатиш режалаштирилган бўлиб, бу борада биз малакали тарбиячиларга таянган ҳолда иш олиб борамиз. Бундан ташқари иқтисод, спорт, санъат, кулолчилик, каштачи-



«Соғлом авлод йили»да болаларни жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлишлари учун кўпгина тадбирлар ўтказилди. «Олтин Хумо», «Соғ танда соғлом ақл», каратэ, футбол, шашка бўйича спорт мусобақалари ва «Бўш ўтирма» каби қизиқарли тадбирлар уюштирилди. Боғчалараро ўтказилган бу мусобақаларда бизнинг боғчамиз биринчи ўринни эгаллади. Бу тадбирларни ўтказишда боғ-

чамизнинг фаол тарбиячилари А. Мавлянова, Н. Хайитметова, И. Холтаева, Н. Мансурова, Л. К. Монахина, К. Алматоваларнинг хизматлари катта.

XXX

Ҳа, тайёрлов гуруҳларида иш қизғин экан. Баъзи бир нарсаларни боланинг ўзидан эшитган маъқул, деб Акмал Икромов туманидаги 197-болалар боғчаси тайёрлов гуруҳининг тарбияланувчиси Абдуваҳоб Розиков билан суҳбатлашдик.

Абдуваҳоб 6 ёшда бўлишига қарамай, жуда қувноқ, билимдон ва зийраккина бола экан. От ми-нишни, акаси билан барабан чалишни, ойижониси пиширган лағмон ва чучварани ейишни



кўпроқ яхши кўраркан. Инглиз тили ва рус тилини боғчада ўрганибди.

-Абдуваҳоб, боғчани яхши кўрасизми?

-Ҳа, яхши кўраман. Феруза опамлар бизга жуда-ям меҳрибонлар. Бизга ҳар хил ўйинлар, доирандан ҳўрозча ясашни, шеърлар ёдлашни ўргатадилар. Боғчада ҳечам зерикмайман.

-Ёдлаган шеърингиздан айтиб бера оласизми?

-Айтаман, ҳосил байрамида ёдлаган эдим:

Мен қуёшга ўхшайман,
Полиларда яшайман,
Номим шолғом, билиб қўй,
Овқатга солиб, еб қўй.

-Байрамда ўртоқларингиз ҳам шеър ёдлашдими?

-Алишер, Элёр, яна бошқалар ҳам шеърлар ёдлашди. Биз эртақлар айтишни ҳам биламиз. Боғча опам ўргатганлар.

-Мен билан қайси тилда саломлаша оласиз?

-Хоҳласангиз инглиз, хоҳласангиз рус тилида. Инглиз тилида санашни яхши биламан. (Инглиз тилида ўнғача санаб берди.)

-Жуда яхши биларкансиз. Боғчада ҳар кунини инглиз тили дарси ўтасизларми?

-Йўқ, бир кун рус тили ўқисак, бир кун инглиз тили ўқиймиз. Инглиз тилини Дилфуза опамлар, рус тилини Гулнора опамлар ўргатадилар.

-Уйда кимни кўпроқ яхши кўрасиз?

-Ҳаммани, айниқса ойижонимни. Менга адамлар машина, вертолётлар олиб берадилар.

-Ростакам вертолётми?

-Йўқ, алдақасим...

-Яна нимани яхши кўрасиз?

-Акам билан барабан чалишни, расмга тушишни. Кучукчам билан чиройли расмга тушганман.

-Тирик кучук биланми?

-Ўлгани билан қанақа расмга тушаман?..

-Жудаям ҳозиржавоб экансиз. Боғчада мусикалар ҳам тинглайсизларми?

-Ҳа, мен Илҳом Фармоновнинг «Синчалак» кўшигини яхши кўраман. Шу кўшиққа қизлар чиройли рақсга тушишади.

-Ўзингиз ҳам ашула айтишни биласизми?

-Айтиб берайми?

-Айтинг-чи...

-Хайр, боғчамиз, гузал боғчамиз,

Хайр, опамиз, боғча опамиз.

Бу боғда яйрадик биз,

Эрка ўгил-қиз шодон,

Раҳмат айтамиз чексиз,

Боғча опажон!

-Бу кўшиқни боғчада айтдингизми?

-Боғчада байрамда айтдим. Энди биз боғча билан хайрлашиб, мактабга борамиз. Яхши ўқиб билим оламиз.

-Абдуваҳоб, катта бўлсангиз ким бўлмоқчисиз?

-Орзуим - олим бўлиш.

Орзуларингиз рўёбга чиқсин. Ота-онангиз орзусидаги ақлли, одобли, катта йигит бўлинг.

ГУЛЮЗ суҳбатлашди.

БОҒЧАГА БОЛАЛАР ЙИҒЛАБ КЕЛМАЙДИ

Шукурлар бўлсинки, юртимизда кун сайин янгиликлар ва яхшиликлар бўй кўрсатиб келмоқда. Албатта бу доно юртбошимизнинг фармонларию, жамиятнинг турли жабҳаларида ҳалол, виждонан вазифасини адо этаётган халқимизнинг меҳнат самаралари натижасидир.

Ҳаммамизга маълумки 2000 йил Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шу сабаб, боғча-мактабларда қандай ўзгаришлар бўлаяпти. Шу саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманида жойлашган «Қамолот» номли 269-бошланғич таълим тарбия марказига йўл олдим. Болалар билан гавжум ушбу даргоҳга қадам қўяр эканман, боғча ҳовлисининг озодалиги кайфиятимни кўтарди. Мен ушбу марказ раҳбари вазифасини бажарувчи Комилова Маъмура опа билан суҳбатлашдим.

- Маъмура опа сиз бир катта даргоҳнинг раҳбарисиз, айтингчи, аёл киши учун бу қийинлик қилмайдими?

- Биласизми, синглим агар инсон ўз касбини сева, унинг қадрига етса, ҳар қандай қийинчиликларни ҳам енга олади. Айниқса, бизнинг касбимиз кўпроқ фидойиликни талаб этади. Шу касбимни эъзозлаганим сабабли менга қийинчиликлар сезилмайди. Бизнинг касбимиз болалар билан, яъни келажак авлод билан боғлиқ. Менинг ва барча фидокорона хизмат қилаётган устоз мураббийларнинг мақсади ва вазифаси битта: фарзандларимизни давлатимизга содиқ, комил инсон қилиб тарбиялаш.

- Маъмура опа, агар сизга жуда катта маошли бошқа иш таклиф этишса, қайси касбни танлаган бўлардингиз?

- Албатта ҳозирги касбимни танлаган бўлардим. Чунки, мен ўз касбимни жуда севаман. Ҳар қандай давлатнинг келажаги бугунги ёш авлод қўлида эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

- Сиз энг беғубор қалб эгалари билан ишлайсиз. Ана шу болалар билан ишлаш жараёнида содир бўлган энг қизиқ воқеалар ҳақида гапириб бера оласизми?

- Бизнинг ҳар кунимиз қизиқ воқеага бой ўтади, чунки бугунги кунимиз, кечагига ўхшамайди. Биз ҳар кун ивланишдамиз, ўз устимизда ишлаймиз.

- Кўпинча кузатсам, болалар эрталаблари йиғлаб, зўрға боғчага кетишаётганининг гувоҳи бўламан. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

- Бу савол бизларга тааллуқли эмас, деб ўйлайман. Лекин бу боғчага илк бор қадам қўяётган бо-

2000 йил -Соғлом авлод йили

лада учрайдиган табиий ҳол, бўлиши мумкин. Аммо ҳар кун йиғлаб келишмайди.

- Сизни бугун қандай муаммолар қийнапти?

- Бу йилни Президентимиз «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар. Бизга расмий адабиётлар етишмайди. Болалар учун соғломлик мавзусида турли китоблар чиқарилса яхши бўларди.

- Режаларингиз ҳақида ҳам суҳбатлашсак.

- Бизнинг асосий режаларимиздан бири Марказни ва машғулотлар йўналишини кенгайтиришдир. Чет элда кўриб келган тажрибаларимни амалда қўллаш, ёзга бориб, марказимизда шаҳар миқёсида тажриба йўналиши бўйича анжуман ўтказишлар

-Маъмура опа, ўз қимматли вақтингизни аямай мен билан суҳбатлашганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман. Илоҳим ишларингиз амалга ошсин - дея опа билан бўлган ширингина суҳбатимизга яқун ясадим.

Мадина ШОСУЛТОНОВА



СОЯ-САЛҚИН ҲАММА ЖОЙДАМИ?

Мен Хўжайли шаҳридаги 1-гимназия мактабининг 4-синфини аъло баҳоларга тугатдим. Жисмоний тарбия дарсидан имтиҳон ҳам топширдим. Таътилга чиққанимдан сўнг Тошкентга, холаминикига меҳмонга бордим. У ерда циркка, Аброр Ҳидояттов номли театрга, истироҳат боғларига бориб маданий ҳордиқ чиқардим. Тошкент менга қанчалик ёқмасин, барибир ўз шаҳримни, дўстларимни ва қариндошларимни жуда соғиндим.

Тошкентда сувнинг бисёрлиги, сув муаммолари йўқлиги мени қувонтирди. Очиғи, шаҳарлик тенгдошларимга ҳавасим келди. Бизнинг Хўжайли шаҳримизда дарахтлар сув танқислиги учун кўкармайди. Соя-салқин жойлар шаҳардагидек эмас. Умуман, дарахт бўлмаганидан кейин соя қаердан бўлсин? Дарахт бўлганида ҳам унга сувни қайдан оламиз? Шунга қарамай, бир кун келиб бизнинг Хўжайли ҳам гулзору чаманзорга айланишига аминман. Шаҳарлик дўстларим эса бу неъматларнинг қадрига етишларини истардим.

Мавлуда САЪДУЛЛАЕВА.

КЕСИЛИБ КЕТГАН БОҒЛАР

Ёдимда бор, ҳовлимизнинг орқасидан каттагина ариқ оқиб ўтарди. Шариллаб, шўх қўшиқ куйлаётгандек оқарди. Унинг икки тарафида шафтоли, олма, беҳи, олча, тут ва ёнғоқ дарахтлари гуркираб турарди. Биз уззу-кун ана шу соя-салқин жойларда ўйнардик, меваларга роса тўярдик.

Ҳозирга келиб бу тотли хотира қолган. Жойлашган иссиқхорилиши ҳисобига дакетди. Ариқ бўйлари эсаниб қолди.

Мен бир нарсга тушунолмайман: майли, дарахтлар зарурат юзасидан кесилгандир. Лекин уларнинг ўрнига янги ниҳоллар экиб, ариқ бўйлари ахлатлардан тозаланиб қўйишнинг наҳот иложи бўлмаса?

Саида ЖАББАРОВА.

ЗИЛОЛ СУВЛИ АНҲОРЛАР ҚАЧУ?

Сув - ҳаёт манбаи. Усиз ҳеч бир тирик жон яшай олмайди. Лекин биз сувнинг қадрига етјямизми, ундан тежаб-тергаб, авайлаб фойдаланяпмизми? Бутун бошли Орол денгизининг қуриб қолиши кўзимизни очдимиз. Ахир Оролнинг қуришига ҳам зилол сувимизни исроф қилганимиз сабаб бўлганди-ку. Шулар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, тенгдошим? Шаҳар, қишлоқларимиздан оқиб ўтадиган айрим ариқларнинг атрофидаги ахлатхоналарни кўриб, дилингиз вайрон бўлиб кетади. Бувимнинг айтишларича илгарилари улар ариқ сувларини бемалол ичаверишган, унинг зилол сувларида оналари ёпиб берган иссиққина нонларни оқизиб ейишган экан. Ҳозир эса ичиш у ёқда турсин, қўл ювишга ҳам чўчиймиз. Чунки жуда кўплаб касалликлар ифлосланган сувлардан келиб чиқаётганини яхши биламиз. «Сув етти думаласа, ҳалол

бўлади», - дейишади. Бу гапда жон бор. Чунки табиий чиқиндилардан сув ўзи тозалана олади. Лекин завод ва фабрикалардан чиқаётган чиқиндилардан қандай тозалансин? Бу ҳам қамлик қилгандек биз ҳам турли чиқиндилар билан ифлослантираверсак, келажак авлодларимизга нима қолади?

Гулчеҳра АБДУАЗИМОВА
273-мактаб ўқувчиси

ҲАФСАЛАМ ТУР БЎЛДИ

Маҳалламизда Гулноза исмли бир қиз бор. Ақлли, хушмуомала, катталарни кўрганда қўлини кўксига

қўйиб салом беради. Ҳовли ва дарвозаларининг атрофини саришта тутди. Ойиларимиз уни кўпинча бизларга намуна қилиб кўрсатишади.

Бир куни дўконга кетаётсам,

Гулноза кўчасини супураётган экан. Чиқиндиларни бир ерга тўплашнинг ўрнига уларидан сал нарида оқиб ўтадиган ариқ томонга супура бошлади. Мен ажабланиб, қадамимни секинлатдим. Не кў билан кўрайки, қоғоз парчалари, ичимликлардан бўшаган елим идишлари чанг-тўзон чиқиндиларни ариққа супуриб ташлай бошлади. Жаҳл устида «ҳай-ҳай»лаганча уни тўхтатдим. Кейин бироз ўзимни босиб олиб, ётиғи билан тушунтирдим. У гапларимни индамай тинглади-ю бир оғиз сўз демай лабини бурганча уйига кириб кетди. Менинг эса «чаққон қиз»дан ҳафсалам совиб кетди.

Наврўза УМАРОВА,
Чирчиқ шаҳри.

ТАБИАТНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ КЕРАК

Инсониятнинг иқтисодий соҳадаги фаолияти натижа-сида экологик муаммолар юзага келади. Иқтисодий фао-лият билан шугулланиш керак, лекин бу фаолият келти-риб чиқарадиган экологик зарарнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш лозим.

Бу иш билан асосан давлат назорати органлари шугул-ланади. Ҳар бир давлатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида турли хил чора-тадбирлар кўрилмақда, қонунлар қабул қилинмақда. Масалан: ҳавони тозалайдиган мосламалар ўрнатиш, оқава сувларни дарёларга оқизишни таъқиқлаш каби чора - тадбирлар олиб борилмақда. Шундай бўлса-да айрим кор-хоналар фойда олиш мақсадида атроф муҳитни ифлослантир-мақда. Бундай қонунбузарларга давлат жарима солиш ва бо-шқа чораларни кўради. Бу жарималар миқдори жуда катта бўлиб, жаримани тўлагандан кўра, керакли тозалаш мосла-маларини сотиб олиб, ўрнатиш иқтисодий томондан фойда-лидир. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ташки-лотлар ҳам бор. Масалан, «Green peace» халқаро жамияти, «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси. Та-биатни асраб-авайлаш, ота-боболаримиздан қолган удум бўлиб, бу ишларга ҳар биримиз ҳисса қўшмоғимиз керак. Бунинг учун энг аввало ўзимизни покиза тутмоғимиз, яшаб турган ҳовлимизни, маҳалламизни, мактабимизни, шаҳар ва қишлоғимизни озода тутмо-ғимиз, даркор. Чиқиндиларни фақат белгиланган жойга тўкишимиз ке-рак. Кўчаларга дарахтларни кўпроқ экишимиз лозим. Агар фикрлари-мизни астойдил амалга оширсак, она табиатимизга қан-чалар ёрдам беришимиз ва ўзимиз қанчалар фойда кўри-шимиз мумкин.

Раъно АҲМЕДОВА,
Андижон вилояти, Қорасув шаҳар
19-лицей-интернатнинг 8-синф ўқувчи си.

СУВНИ АСРАШ

Дарё, денгиз, кўллардан
Нечун биз сув ичмаймиз?
Ифлос қилишдан дўстлар,
Қачонгача кечмаймиз?

Хатто Амударё-ю
Сирдарё суви ифлос.
Уларни пок сақламоқ
Ахир инсонларга хос.

Ер усти сувларини
Муҳофаза қилайлик.
Табиат-ла дўстлашиб,
Сир-асрорин билайлик.

Машҳура ҚАҲҲОРОВА.

СУВ ҚЎШИҒИ

Туша тоғдан, тоғни куйлайман,
Ўта туриб боғдан,
Боғни куйлайман.

Анҳор, ариқларда
Далалар бўйлаб,
Куйлайман меҳнаткаш
Инсонни ўйлаб.

Инсон билан аҳил
Иккимиз, бирга -
Оламни чулғаймиз

Бойликка, нурга.
Меҳнаткаш инсонга
Мен ҳурсанд қараб,

Дейман: қадр этганинг учун
Сенга шон-шараф!
НУРБЕК

МИРЗО УЛУГБЕК ГАЛАБАСИГА ГУВОҲ ТОШ

Жиззах шаҳри узоқ тарихга эга, бу шаҳар қадимда савдо-сотиқ ва ҳарбий юришлар учун аҳамиятли бўлгани боис жуғрофий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам катта қулайликларга эга бўлган шаҳар ҳисобланган. Зомин туманида ўрта асрларда карвонсаройлар қурилган. Жиззах шаҳрининг бошқа жойларида ҳам карвон саройлар бўлган, шулардан бири Тўрткўлтөпада жойлашган. Бундан ташқари Фориш туманида Калтепа карвонсаройи ва Зоминда Култепа карвонсаройлари бўлган. Узоқ юртлардан келган савдогарлар шу ерларда дам олиб, сафарларини давом эттиришган. Қадимда Шарқ билан Жанубни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳам фақат Жиззахдагина кесишгани бежиз бўлмаса керак.

Жиззахдан Самарқандга кетаверишда машҳур Темур дарвозаси ва Илон ўтди дараси бор.

Илон ўтди дараси Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари туташган жойда бўлиб, узунлиги 6 километр, эни 120-130 метр, энг тор жойи 30 метр. Даранинг қадимий туркий номи "Темур қопуғ" (Темур дарвоза)

бўлган Сангзор дарёси шу ерга келган пайтда қадимдан тез, илон каби сиқилиб, эгри-бугри оқишига қараб, халқимиз дарага шундай ном бергани эҳтимолдан ҳоли эмас.

1925 йили Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбек шимолга юриш қилиб галаба билан қайтаётганда шу ерда тўхтади ва Илон ўтди дарасидаги тошга ўзининг буюк галабасини тарих қилиб ўйиб ёздирди.

Бу йўл Боғдод, Ҳамодон, Нишопур, Морв, Чоржуй, Бухоро, Самарқанд, Жиззах орқали Устрошонга келар ва Чоч, Тароз, Боласоғун, Иссиққўл билан Хитойга ўтиб кетган.


Мен ҳар сафар Мирзо Улуғбек ёздирган тош битикни кўриб ҳаяжонга тушаман ва негадир шу ерга қайта-қайта боргим келаверади. Таътил кунлари ўз Жиззахимга йўл олар эканман, азиз укажонлар, сиз ҳам ўз шаҳар ва қишлоғингиз тарихини яхши ўрганинг. Боболар юрган йўллари тавоб айланг, - дегим келади.

Шарофиддин РИСКУЛОВ
ТошДШИ талабаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНОЗАВРЛАР БЎЛГАНМИ?

Ишонасизми, тахминан 70 миллион йил аввал ҳозирги Марказий Осиё минтақасида динозаврлар яшаган экан. Ер илми билан шуғулланувчиларнинг фикрича, у вақтда ҳозирги қуруқлик ўрнида катта-катта сув ҳавзалари, денгиз ва кўллар мавжуд бўлиб, акулалар ва балиқлар яшаган экан. Уларнинг топилган қолдиқлари, яъни тиш ва суяклари шундан далолат беради. Динозаврларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида бир қанча исботлар келтириш мумкин. Юз йил аввал геолог Г.Романовский Зарафшон атрофида уч бармоқли динозаврнинг изини аниқлаган, кейинчалик Кочнев динозаврнинг 50 та изини топган. Оёқ изининг катталиги 60 х 70 см бўлиб, қадам оралиги 1,5 метр келади. Оёқ изларига қараб динозаврнинг катталигини ҳам ҳисоблаб чиқишган. Бу баҳайбат ҳайвон узун думли, танасининг узунлиги эса 10 - 15 метр, баландлиги 8 метр. Яна Ўзбекистон билан Туркменистон чегарасида жойлашган Хўжа - Пул-Ота қишлоғида стегозавр, карнозавр, целурозавр, бронтозаврларнинг минглаб оёқ излари топилган. Уларни 1980 йили геолог Аманиёзов тоғ ён бағирларида кўриб қолиб палеонтологларга хабар берган. Лекин ерлик аҳоли бу изларни жуда яхши билишар ва афсоналар тўқишган экан. Динозаврнинг тўлиқ скелетини 50 - йилларда геолог Г.Беленький Тошкент атрофида топган. Динозаврнинг тош бўлиб қотган тухумлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Фарғона водийсида, Чимкентда ва Қизилқумда аниқланган Фарғона водийсининг ўзидан эса 15 та турли динозаврлар тухуми топилган экан. Ҳозирги кунда ҳам турли қолдиқларни қўлга киритиш мумкин экан. Масалан, яқинда ёш геологлар Амударё қирғоқларида динозаврнинг қозиқ тишини топишибди.

Муҳаррама ПИРМАТОВА
тайёрлади



ВАФОДОРИМ - ТУЛПОРИМ

Тоғамнинг «Васька» лақаб-ли бир тулпори бўларди.

Уни тойчоқлигидан боқиб ўсдирганлари учунми, меҳрлари бўлакча эди. Биз укаларим билан кўпинча тоғамларникида юардик. Улар бизни навбатма-навбат тойчоқнинг устига ўтқазиб сайр қилдирардилар. Унга емиш бериб, ёллари синлардик

Нима бўлди-ю зарурат юзасидан тоғам Васькани қўшни қишлоқдаги бир танишларига сотиб юбордилар. Орадан икки кун ўтгач не кўз билан

кўрайликки, Васькамиз қайтиб келибди. Анча олис йўл босиб келганиданми, жуда толиққан, сувсаган эди, нақ бир челақ сув ичиб юборди. Жониворлар ўз эгасига жуда вафодор бўладилар, деган гапнинг ростлигига яна бир бор амин бўлдим.

Тоғам ҳам меҳрлари тобланиб кетиб, тулпорни яна қайтариб олдилар.

Машҳура ҚАҲҲОРОВА.



МИТТИ ДАВЛАТЛАРНИ БИЛМАСИЗМИ?

Европада тўртта шундай давлат бор. Бу «миттилар»нинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Пирней тоғларининг жанубий ён бағрида Андорра давлати жойлашган. Унинг майдони - 465 кв км бўлиб, аҳолиси - 30 000 кишидан иборат. Бу республиканинг ўз ҳукумати бор. Маҳаллий аҳоли француз ва испан тилларида сўзлашади.

2. Митти давлатларнинг энг кичкинаси - Монако князлиги. Унинг майдони - 1,95 кв км бўлиб, аҳолиси - 27 000 кишидан иборат. Аҳоли француз тилида сўзлашади. Бу ерда ажойиб океанографик музей бор, океанариумда, қалин ойна ичида денгиз ости жониворлари сузиб юради.

3. Рейн дарёсининг ўнг қирғоғида, Австрия билан Швейцария оралигида Лихтенштейн князлиги ўрнашган. Унинг майдони 160 кв кмга яқин бўлиб, аҳолиси - 26 000 кишидан иборат. Бу ерда немисча сўзлашадилар. Бу кичик мамлакатда армия йўқ, бутун полициянинг бор йўғи 18 киши. Давлат бошлиғи князь.

4. Аленин тоғларида кичкинагина Сан-Марино давлати жойлашган. Унинг майдони 61 кв км бўлиб, аҳолиси 22 000 кишига яқин. Бу мамлакат аҳолиси боғлар ва тоқзорларда ишлайди, мол боқади.

Бу тўртта давлатдан ташқари, Европада яна бир кичикроқ давлат - Люксембург герцоглиги бор. Унинг майдони - 2600 кв км бўлиб, аҳолиси 366 000 кишидан иборат. Бир ярим асрдан буён у мустақил давлат. У ерда биророрта олий ўқув юртлари йўқ, мутахассислар чет мамлакатларда тайёрланади.

КЎРКАЛАМУШ ҚИЛАР ЁМОЧ ИШ

Менинг бобом Республика Ботаника боғи ва институтнинг катта олими. Бобомнинг тажриба-синов майдончалари бор. Мен ва синглим шу боққа боргимиз келаверади. Боғни сиз ҳам бир кўрсангиз эди, яна кўргингиз келаверади. У ерда ҳатто бир аср яшаган дарахтлар ҳам бор. Айниқса, хориждан келтирилган манзарали ўсимликларни кўриб хайрон қоласиз...

Бобом бу боғда 35 йилдан буён ишлайдилар. Бобом яратган тажриба майдончасида турли хил лолалар ҳам ўсади. Мен лолалар фақат қизил бўлади, деб ўйлардим. Боғда эса оқ, сариқ лолалар ҳам бор. Буларнинг ҳаммасида бобомнинг ҳам ҳиссалари борлигини кўриб, мен ҳам олим бўлгим келди. Аммо олим бўлиш осон иш эмас, дедилар бобом, яхши ўқиш билан боғга яхши одобга ҳам эга бўлишинг

керак. Сен осмонга эмас, оёғинг тагидаги ўт-ўланларга, тупроққа меҳр қўйсанг она табиатга жонкуяр бўласан.

Чунки, табиатга яхшилик - элга яхшилик деганидир, дедилар. Биз Африка, Англия, Италия ва Хиндистондан келтирилиб парвариш қилинаётган чиройли гулларни кўриб, беихтиёр қувондик-да, бобомнинг ташвишига ҳам шерик бўлдик. Чунки боғда кўркаламуш деган маҳлуқ пайдо бўлиб, ноёб гул уруғларининг илдизларини еб қўяётган экан. -Эй, кўркаламуш, қилма ёмон иш, - дегим келди... Шу куни боғдан кўнглим ҳам қувнаб йиғлаб келганига сиз нима дейсиз?

Моҳира БОЙМИРЗАЕВА,
Тошкентдаги 248-мактабнинг 4-синф ўқувчиси



ҚОРАВОЙДА КИМНИНГ ҚАСДИ БОР ЭКАН?

Қиш кунларининг бирида ҳовлимизга бир дайди кучукча кириб қолганди. Аввалига уни хайдаб юбормоқчи бўлдик. Лекин унинг жавдираб турган кўзларига боқиб, ачиниб кетдик ва уни боқиб олишга аҳд қилдик. Оч-наҳор юрганидан жуда озиб, териси суягига ёпишиб кетган эди. Аввал яхшилаб қорини тўйдирдик, кичкинагина уйча ясаб, тагига кўрпача тўшаб қўйдик. Ҳаммаёғи қоп-қора бўлганлигидан, унга «Қоровой» деб ном бердик. Бора-бора биз унга, у эса бизга жуда ўрганиб қолди. Ҳар тонг кетимиздан эргашиб, боғча, мактабга кузатиб қўяр, муўилишда бироз тўхтаб, ортимиздан қараб турарди-да, сўнгра уйга қайтарди. У ҳеч кимга тегмасди, болаларни-ку жуда яхши кўрарди.

Бир куни Қоровой бизни кузатиб уйга қайтаётганда бекорчи болалар тутиб олиб, роса тошбўрон қилишибди. Ҳаммаёғи қонга беланиб, инграб ётарди. Аксига олиб шу куни

дадам ҳам, ойим ҳам уйда йўқ эдилар. Аввалига бизни ҳам ўзига яқинлаштирмади, инграб, ўзини панага олди. Кечга бориб аҳволи оғирлашди. Шу пайт унинг катта-катта очилган кўзларига нигоҳим тушди. Унинг мунгли кўзлари худди сўзлаётгандек, «нима гуноҳим бор эди?» дейётгандек туюлди менга. Орадан ҳеч фурсат ўтмай кўзлари мангуга юмилди. Мен ҳам, укам ҳам, ҳатто, Қоровойнинг кетидан қолмай «қо»лаб югуриб юрадиган жажжи сингилчам ҳам роса йиғладик. Хайронман, беозор, тилсиз жониворда кимнинг қасди бор экан?

ҚАЮМХЎЖАЕВА,
Тошкентдаги 59-мактаб битирувчиси





Бўён тошларинг ишқори

УСТОЗ ОҚ ЙЎЛ ТИЛАЙДИ

«Бахт қуши бўлсам дейман,
барчага бахт улашиб..»
Масъум, беғубор юракнинг инжу садоси бу, болаликнинг ширин орзу-
умидлари билан тўлиб-тошган кўнгил ҳадяси бу!
Яқинда Қашқадарё вилояти, Косон туманида «Соғлом авлод йили»га
бағишланган «Мен озод юрт фарзандиман» деб номланган катта адабий
анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда иштирок этган ижодкор ўғил-
қизларнинг шеърий машқларидан гулдаста жамлаб эътиборингизга ҳавола
қиларканман, шеъриятнинг сирли оламига маҳлиё бўлган, унинг дилбар
лаҳзаларига дўст тутинган шоғирдларим ижодига бефарқ бўлмайсиз,
деб ўйлайман.

Башорат ОМОНОВА,

Косон тумани Халқ таълими бўлими қошидаги
«Шуъла» ижодкор болалар адабий тўғараги раҳбари.

ЎҚИТУВЧИМ

Сўзлари бийрон-бийрон,
Ўзи жуда меҳрибон,
Қалби мисоли осмон,
Биринчи ўқитувчим.

Харфларни танитган,
Билимга ошно этган,
Меҳри юракка етган,
Биринчи ўқитувчим.

Ялинмайман опамга,
«Ўқиб бер» деб акамга,
Билимдон, зукко қилган,
Сахий қалб ўқитувчим.

Нилуфар БАХТИЁРОВА,
Карим Раҳматов номли
мактабнинг
4-синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН

Тарихи мангу дoston,
Эртаси порлоқ макон,
Дейишар жаннатмакон,
Кезганлар олам-жаҳон,
Ватаним Ўзбекистон.

Асл таърифнинг шундай,
Бағринг қуёшли кундай,
Мадҳингга ашъор битай,
Меҳримни сенга тутай,
Ватаним Ўзбекистон.
Янги аср бошида
Хумо қуши қошида,
Битай сенга қасида,
Ҳар дақиқа, ҳар онда,
Ватаним Ўзбекистон.

Сурайё БЕКНАЗАРОВА,
Қарши Раҳмонов номли
мактабнинг 7-«А» синф ўқув-
чиси.

КАПАЛАК

Хой капалак, капалак,
Шошқалоқ, жони ҳалак.
Юракларга ҳайрат бер,
Меҳрли бўлсин юрак.

Машраб ҲАМРОЕВ,
Мирзо Улуғбек номли лицей-
нинг 7-синф ўқувчиси.

ОНАЖОНИМ

Бардошлардан яралган олам,
Қалби тўла меҳрга ҳамдам.
Интилади бўлишга бардам,
Ғам тошлари эзиб турса ҳам.

Қай бир дарддан сўз очай бугун,
Жигарларим олди ажал шум.
У кунларни эсласам машъум,
Онам йиғлар, бағри дили хун.

Онажоним, муштипар онам,
Ҳижронларга кўниккан онам,
Кўзда ёш-ла парвардигордан,
Бизга умр тилаган онам.

Эгик бошинг кўтарай она,
Улғайиб куч-қувватга тўлай.
Жигарларим рухин шод этиб,
Сизга таянч бир УСТУН бўлай.

Исмаил САНАЕВ,
Мирзо Улуғбек номли лицей-
нинг 10-синф ўқувчиси.

НОН

Нон азиздир, нон дармон,
Унинг ушоғи ҳам нон.
Боболарнинг ўғити,
Ёддан чиқмас ҳеч қачон.

Қор ёғсин, ёмғир ёғсин,
Далалар бўлсин оппоқ.
Хирмон бугдойга тўлсин,
Галладан ясайлик тоғ.

Шаҳноза ТОШТУРДИЕВА,
Шодмон Бердиев номли
мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Чаман-чаман гули билан,
Сайроқи булбули билан,
Қир-адири, чўли билан,
Гўзал Ватан Ўзбекистон.
Ҳилпирайди байроғи,
Гулга тўладир боғи,
Бойликка кон кучоғи.
Гўзал Ватан Ўзбекистон.

Умиджон ЭЛМИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Китоб туманидаги
Миртемир номли
50-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

УШАЛТАН ОРЗУЛАР

Серкўёш Ўзбекистонимиз кун-
дан-кўнга гуллаб, ривожланиб
бормоқда. Иқтидорли ёшларимиз-
ни «Умид» Республика Халқаро
жамғармаси орқали чет элларга
юборилиши гўзал Ўзбекистони-
мизни тобора шуҳрат чўққиси
сари етакламоқда. Мустақил
бўлганимиздан сўнг биз ёшларга
барча шарт-шароитлар яратиб
берилди. Хусусан, Ўзбекистони-
мизнинг давлат рамзлари, мадҳ-
иясининг яратилиши ўзбек халқи
учун жуда катта бахтдир. Айниқса, бобомиз Амир
Темур номига қурилган музей ҳатто чет эллик
ҳамкорлар, сайёҳлару элчиларни ҳайратга сол-



моқда. Мустақилликка эришгунимизга қадар не-
не ўзбек ўғлонлари уруш қурбони
бўдилар. Юртбошимизнинг саъи-ҳара-
катлари билан очилган «Шаҳидлар
ҳиёбони» ва «Мотамсаро она ҳайкали»
кўпчиликнинг орзуси эди.

Мен шу ҳиёбонда кезар эканман, хо-
тира муқаддас эканига амин бўлдим. Бу
муқаддаслик ҳам мустақиллик туфайли
онгимиз, шууримизда қайта кўз очди.

Мухлиса МУХИТДИНОВА,
Тошкент шаҳри, Собир
Раҳимов туманидаги
Маннон Уйғур номли
22-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

ZULFIYANI ESLASAM..

Xayol og'ushiga ketganda qalbm,
Xayoli, iboli o'zbek ayoli,
Zulfiyani men eslasam deymam,
Bahoriy boychechak kabi.
Sevgisiga vafodor bo'lgan,
Atirguldek pokiza qalbi.
Sadoqatda tengdir jamoli,
Qalbi ila qalam tebratgan.
Yuragida borini yozgan,
Zulfiyani eslasam, deymam.
Xayol og'ushiga ketganda qalbm,
Zulfiyani esladim bugun.

Intizorxon ASHUROVA,
Farg'ona viloyati, Beshariq
tumanidagi 4-bog'cha-
maktabining 5-sinf o'quvchisi.

УСТОЗИМ

Сабоғингиз тинглайман,
сўзингизда бор сеҳр,
Вужудим-ла тинглайман,
қалбга жо бўлар бир-бир,
Юзингизда табассум кўзингизда бор меҳр
Қадрдоним устозим, сизда бор
қандайин сир?
Болажонлар қалбига жойлаб
маърифат гулин,
Ҳар кун очгайсиз бизга
илм булогин сирийн.
Ҳар тарафга ёясиз эзгуликнинг уругин,
Мисоли қуёш бўлиб сочасиз нуру зиё,


Севара ЭГАМОВА,
Фарғона вилояти,
Бешариқ туманидаги
Абу Али инб Сино номли
1-лицейнинг
8-синф ўқувчиси.

ОЛМА

Қип-қизариб пишибди
Тўп-тўп бўлиб тушибди.
Тергани борган эдим,
Хўп ширин экан, едим.
Аввал саралаб олдим
Сўнгра саватга солдим.
Пишган ёки хомлигин,
Рангидан билиб олдим.
Олмамиз ширин бирам,
Егани келинг сиз ҳам.

Гулрух ЙЎЛДОШЕВА,
Навоий вилояти,
Хатирчи туманидаги
54-мактабнинг
5-синф ўқувчиси.

ЎЗИ ЮРАР МАШИНАНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ХОНАНДА



Азиз болажонлар! Бугун биз сизларни ўзининг ажойиб қўшиқлари орқали муҳлислар қалбидан ўрин олиб келаётган Анвар Санаев билан яқиндан таништирмоқчимиз.

Анвар Санаев 1974 йил 16 ноябрда туғилган. Аввал Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида, сўнгра Маданият олийгоҳида тақсил олган. Биринчидан ширин Асал ва Муҳаммадали исмли 2 фарзанднинг отаси. Севган таоми- ош. Ёқтирган ранги-оқ. Балиқ овига боришни ва тоза ҳавода сайр қилишни жуда яхши кўради.

-Анвар ака, санъат соҳасига кириб келишингизга ким сабабчи бўлган?

-Бунга аввало ота- онам сабабчи бўлганлар. Отамнинг ўзлари санъаткор бўлишни жуда-жуда орзу қилганлар, лекин бу уларга армон бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам отам мени кичиклигимдан мусиқа тўғрисида бошлаб олиб борардилар. Мен аввал чолғучилик билан шуғулландим. Сўнг отамга қўшиқчи бўлмоқчи эканлигимни айтсам, улар битта ашула айтиб беришимни сўрадилар. Қўшиғимни тинглаб, хурсанд бўлдилар. Мана шу хурсандчилик санъаткор бўлишимга сабабчи бўлган.

-Анвар Санаевни машҳур қилган қўшиқ қайси қўшиқ деб ўйлайсиз?

керак... Чунки, бу қўшиқлар ҳозирга қадар муҳлислар назаридан қолганича йўқ.

-Саҳнага биринчи марта чиққанингизда ҳаяжонланганмисиз?

-Нафақат биринчи марта саҳнага чиққанимда, балки ҳозирги кунларда ҳам саҳнага чиқишдан олдин ҳаяжонланаман.

-Мактаб даври сиз учун қанақа давр?

-Мактаб! Мактаб даври мен учун энг қувноқ, беғаму беташвиш давр бўлган. Самарқанддаги 22- мактабда ўқиганман. Баҳоларим барча фанлардан аъло бўлмасада, асосан яхши эди. Кўпроқ адабиёт фани билан мусиқа дарсини ёқтирардим. Мусиқадан Жаҳонгир ака билан Маҳбуба опа Ҳасановалар таълим берардилар. Адабиёт

дан эса Зулфия опа Худойбердиева ўқитганлар. Мен китоб ўқишни жуда яхши кўрардим. Бир куни адабиёт фанидан очиқ дарс бўлди. Мақтаниш эмаску, ўшанда 12 та эртақни айтиб бериб, бир соат ичида 3 та «5» баҳо олганман. Ўқитувчимиз ҳам жуда хурсанд бўлганлар. Бундан ташқари менга мактабимиз директори Баҳодир ака Худойбердиев ҳам катта ёрдам берганлар. Улар мени мусиқа бўйича бўлиб ўтадиган турли кўрик танловларга тез-тез юборар эдилар. Хуллас, мактаб даври мен учун ажойиб давр бўлган, уни ҳозиргача кўмсаб яшайман.

-Анвар ака, сиз кўпроқ қайси шоирлару қайси бастакорлар билан ҳамкорлик қиласиз?

-Мен Абдусайд Кўчимов, Шухрат Деҳқоновларнинг шеърларини севиб қўшиқ қилиб айтганман! Бастакорлар Рустам Маҳмудов, Муҳаммаджон Отажонов ва укам Санжар Санаевлар уларга куй басталаб берадилар.

-Сизнинг шиорингиз? Ҳаётда ўз шиорингизга амал қиласизми?

-Шиорим «Сен шундай нарсани орзу қилгинки, бу орзуингга ҳамма ҳавас билан қарасин» ва «Ёмонлик қилганга ёмонлик қилма, қўлингдан келса яхшилиқ қил». Мен ўз шиорларимни ҳаётда қўллаб кўрганман, амал қилганман ва амал қилиб келяпман ҳам.

-Болаликдаги қизиқарли воқеалардан бирини эслай оласизми?

-Ҳа, эслай оламан. Болалигимда боғчага боришни жуда ёмон кўрардим. Айниқса, туш пайтида ухлашни. Бир куни боғчага бормайман десам, амакмининг қизлари менга «боғчада ўзи юрадиган машиналар бор», - деб алдаб олиб бордилар. Пешин вақти ҳамма ухлашни керак эди. Мен эса «менга ўзи юрар машина берасизлар, мен ухламайман», деб тўпалон қилдим. Шунда боғча опамиз юзимга бир шапалоқ туширди. Мен бунга чидай олмай боғчамизнинг деразасидан сакраб, қочиб кетганман...

-Келгусидаги режаларингиз?

-Ҳар бир санъаткорнинг орзуси халқ олқишига сазовор бўлишдир. Шу қаторда менинг орзуим ҳам худди шундай. Бундан ташқари болажонларга атаб қўшиқ айтишни ҳам режалаштириб қўйганман.

-Сухбатингиз учун раҳмат. Биз ҳам сизга барча орзуларингиз амалга ошишини, болалик ҳаёлингиздаги «ўзи юрар машиналар» сизни баланд-баланд чўққиларга олиб чиқишини чин дилдан иштаймиз.

Сухбатдош

Нигора МИРЗАМУХАМЕДОВА.

Мен тенгдошларимга фойда олишнинг турли хил йўллари борлиги ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сортқ ва чорвачиликдан ҳам унумли фойдаланса бўлади. Албатта, бу йўللари кўллаш учун аввало кишининг ўзи иқтисодий билимга эга бўлиши керак. Бу фойда олиш йўллари қайси бирини кўлласса ҳам, киши аввал унинг хусусиятларидан хабар топиши керак. «Қандай қилсам, бир сўмим икки сўм бўлади» деган фикр ҳар доим кўз олдимизда туриши ва ҳис туйғумизни чўлгаб олмоғи керак деб ўйлайман. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, агар бир киши чор-

БОЙ БЎЛИШНИ ХОҲЛАСАНГ

вачилик билан шуғулланса, у киши бу соҳа устида ўйланиб, чорвага қачон ем бериб, қачон сугоришни ўйлайди. Бозорга айрибошлаш учун олиб чиқилганда талабга жавоб берадиган қилиб боқади.

Бойликни йиғиб яхши сақлаш ва уни ҳар бир арзишмаган иш учун сарф қилмаслик керак. Чунки молни сақлаш уни йиғишдан қийин. Агар захирадан қанча ҳаражат қилинса, унинг ўрнини тўлдириш керак, акс ҳолда тоғдек бойлик ҳам бир кунда йўқ бўлиши

мумкин. Инсон доимо меҳнат қилиши керак, чунки бойлик меҳнат билан топилади. Донишмандларнинг: «Ҳаражат қилинг, обод бўласизлар ва озга қаноат қилинг, бадавлат бўласизлар» деган нақлида ҳикмат бор. Ҳаражатни киришга нисбатан камроқ қилиш керак. Ҳар ишнинг сабаби бўлганидек, қашшоқликнинг сабаби исрофгарчиликдир. Масалан, оддий ёқилғи лампанинг ёнишига ёрдам беради. Агар



ёқилғи лампага ҳаддан ташқари кўп қуйилса, ёқилғи пиликнинг бошига чиқиб, чироқни ўчиради. Аввал ёқилғи лампани ёндирган бўлса, сўнг исроф туфайли ўлимига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам иқтисод қонунларини пухта эгаллаш лозим.

Хадиси шарифда ҳам: «Иқтисод бу мол ва пул каби бойликларни тежаб - тергаб ишлатиб, улардан фойда олиш демакдир» дейилади.

Набиюлло АБДУЛЛАЕВ, Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилояти, Сузоқ тумани, Сотволди Хожи мактаб-лицейининг ўқувчиси.

Хуррам РАИМОВ БОЛАЛИККА ҚАЙТИМ КЕЛЯПМИ

Сизга бир гап айтгим келяпти,
Болаликка қайтгим келяпти.
Маза эди ўша кунларим.
Завқли эди бирам тунларим.
Баҳор чоғи яшнаб куртаклар,
Сўйлар эди тинмай эртақлар.
Қушлар билан яқин дўст эдим.
Порилаган ёлқин сўз эдим!
Чумолини, кўнғизми, ари,
Дўстим эди - қадрдон бари.
Қуёш ҳар кун бошимни силаб
Сочар эди нурларин элаб.
Гулни кўрсам очилар эдим,
Қизгалдоқдек сочилар эдим.
Чикмас эди ўйиндан бошим,
Келмас эди ҳеч қачон гашим.
Қийнамасди унга ҳеч араз.
Билмас эдим нима гам, гараз.
Ёғиларди бошдан олқишлар,
Эмас эди турфа ташвишлар.
Ака, тоға, хола, аммага,
Ёқар эдим ҳамма-ҳаммага.
Дилга тўлиб бир гап келяпти,
Болаликка қайтгим келяпти...

БОЛА БИЛАН КАПАЛАК Турфа рангли капалак Ўшар аэропланга. Енгил қанот қоқиши Дилга солар аланга.

Уни кўрган болақай,
Қувиб сира толмайди.
Жавдирайди кўзлари,
Ортидан ҳеч қолмайди.

Капалакни тутолмай
Бола бўлар кўп халак.
Бир-бирига ўхшайди
Болалик ва капалак...

БАХТИМИЗ ИШ

Қушлар каби сайроқмиз,
Юлдузлардек чақноқмиз,
Гам-андухдан йироқмиз,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимизга бор - шу диёр!

Ширинтоймиз оппоқмиз,
Эркатою, дўмбоқмиз,
Полвонжонмиз, қувноқмиз.
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимизга бор - шу гул диёр!

Бийрон-бийрон сўйлаймиз,
Яйраб-яшнаб ўйнаймиз,
Завққа тўлиб қуйлаймиз:
"Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз бор - шу гул диёр!"

Гулга тўлган фаслда,
Биз асалдан асл-да!
Темур бобом наслидан,
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз бор - шу гул диёр!


Гунчадан ҳам нозикмиз,
Кўнгиллари ёзиқмиз,
Шолу хуррам ўғил-қиз.
Биз бахтиёр, бахтиёр,
Бахтимиз бор - шу гул диёр!

ТУХТАТУВАЛОҚ

Тўхтатувалоқ,
Суйганинг қумлоқ,
Кўкламни кўрсанг,
Очасан кучоқ.

Гала бўлишиб,
Ойдай тўлишиб,
менга ёқади
Яйраб юришинг.

Тўхтатувалоқ,
Меҳнаткаш ўртоқ,
Чарчоқ нелигин
Билмасан-мутлоқ.



БУ МЕННИНГ БОҒИМ

Ҳамма тенгдошларим қатори мен ҳам ёзги таътилни кўпроқ оромгоҳларда ўтказишни хуш кўраман. Ҳа, тўғри-да тоғу тошларда юриш, шарқираган сувларда шўнғиб-шўнғиб чиқиш кимга ёқмайди дейсиз?..

Лекин.. дадам, ойим, яқинларимни соғиниб қолишим бор-да. Яна айниқса дўстларим билан тез-тез бориб турадиганим Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи кўз олдимдан ўтаверади.. Ўша тоғу-тошларда юрганимда, манзарали дарахтларми, гулу гиёҳларни кўриб, аргимчоқларни учганимда: “Вой Улуғбек боғи экан-а” ёки “Худди ўзимизнинг боғдагидек..” деб юбораман беихтиёр.

Шунда баъзан бошқа вилоятлардан келган дўстларим “Вой буй, боғларинг зўрми?” деб ҳазиллашиб қўйишади..

“Ҳа-да дейман мен ҳам бўш келмай, боғимизга гап йўқ! Турли аргимчоқлари, кўллари, ютуқли ўйинлари, музқаймоқли кофелари бор!”



Рости уйимиздагилар туғилган кунларимизда, “бир мириқиб дам олайлик” деб қўйишган кунларидими, албатта шу ерни танлашади. Бувам айтганларидек: бу боғ дадамга тенгдош экан.

1964 йилда Чилонзор тумани худудидаги “Қозиробот” маҳалласи яқинида ташландиқ бўлиб ётган 22 гектарлик майдон ўзлаштирилиб, маданият ва истироҳат

боғи ташкил қилинади.

Бобомнинг айтишларича, ўшанда кўплашиб бу жойга дуб, чинор, қарағай, арча каби дарахт кўчатлари экилган. Ўша пайтларда боғ номи “Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги” деб аталган.

Бу масканда дастлаб қироатхона ва рақс майдончаси барпо қилинган, 1968 йилда эса доимий равишда иш олиб борадиган эстрада оркестри ташкил қилинган. Боғ кўлида қайиқлар бекати қурилган. Бувимлар дадамини бошқа ерлардан қидириб

овора бўлмай, мактабдан сал ҳаёладиларми, шу боққа келиб топар эканлар.

Ҳозирда дадам туғилган йили экилган чинорлар савлат тўкиб туришибди.. Қарағай-ю арчалар қаторига яна ноёб дарахт кўчатлари келтириб экилган. Ўзи шундоқ боққа



киришингиз билан ёқимли, салқин ҳаво юзингизга урилади. Бирим яхши-ки..

Айниқса, йигирма хил ўйин қурилмаларида учаётганингиздаги гап ўзгача-да!.. Мазза!..

“Автодром”да худди шахсий машинангизда ўтиргандек бўлиб бошқарасиз. “Светофор”да битта автобусни эгаси бўлгандек сезасиз ўзингизни.. “Зухал”, “Орбита”да бўлса нақд космонавтга айлангандек бўласиз, “Ёш денгизчи”, “Қайиқли айланмачоқ”, “Қайиқлар бекати” одамни салкам капитанга айлантириб юборади-я..

“Осмону фалак”ка чиққанда қувончдан юраги бир озиқиб кетмаган одам бўлмаса керак?!.. Тераклар билан бўйлашганингизда бутун шаҳар кўз остингизда намоён бўлади-я. Бир томон цирк, бир томонда телеминора, яна бир томони “Пахтакор” стадиони. Навоий бобомиз ҳайкалини-ку файзи бўлакча. Олий мажлис уйи. Дурбин олволсангиз балки ўз уйингиз томини ёки бўлмаса мактабингизникини топиб оларсиз?..

Бундан завқ билан тушиб, сал наридаги “Кулги хона”га ҳам киришни унутманг. “Шаклу шамойилин-

гиз” роса томоша қилишли бўлади-да.. Ҳай, айтгандай, “Кечаси алаҳсирамайдиган дўстларимизни “Кўрқувхона” аталмиш эртақлардагисимон «уйча»-га марҳамат қилишингизни тавсия этаман, албатта..

Дадамнинг айтишларича, бу боғдаги атракционлар сони дастлаб 12 та экан.. Баҳодир ака Султонов раҳбарлик қилаётган йилларда уларнинг сони 20 тага етибди..

«Директорини қаердан била-

сан?», - деб ажабланарсиз?! Ҳечам ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Улар ҳаммамизнинг сеvimли амакимиз бўладилар. Доим боғни айланиб юрганлари-юрган, ҳечам кабинетларида ўтириб олмайдилар. Азбаройи тез-тез бораверганимиздан таниб ҳам олганлар. Болаларни жуда яхши кўрадилар-да!..

Боғдаги атракционларда ўйнашга шайланиб турган тенгдошларим кўлида «Таклифнома» деб ёзилган бир парча қоғозга тез-тез кўзим тушиб туради. Қизиқувчан боламан-да, буни ҳам билиб олдим.. Баҳодир ака Чилонзор туманидаги кам таъминланган, кўп болали ёки ногирон фарзандли оилаларга ушбу таклифномани совға сифатида бериб, кўнгилларини олиб турар эканлар. Улар хурсанд бўлиб шундоқ келишиб, бемалол учиб кетаверишади. Миннатдорчиликларини шундоққина юз-кўзларидан билиш мумкин. Лекин Баҳодир ака ўзлари бу тўғрида гапириб юрмайдилар.

Бувим айтардилар. «Кўпнинг дуо-си кўл бўлади, болам, кўнгилни ола билиш ҳам савоб»-деб. Дарҳақиқат, Баҳодир ака Султоновнинг бу хайрли ишларидан боғ маъмурияти камайиб қолгани йўқ! Йилдан-йилга файзли бўлиб, бу гўшада интилувчилар сони ортмоқда..

Шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, «Маҳалла куни», «Саломатликнинг ёш дўстлари тадбирлари», «Қовун сайли», «Наврўз сайли», «Меҳржон» байрамлари, касб байрамларини нишонлаш. Эҳ-ҳе, бу ерда тантанасиз ўтган куннинг ўзи йўқ. Шундай кечаларда А.Ҳидоятлов ва Муқимий номли театр актёрлари ҳам хизматда бўладилар.

Эҳ ўзимнинг боғим!..

Айтган ишларини вақтида қойиллатиб бажарсам, ойим-дадам «Боққа олиб борамиз» деб тақдирлашади мени. Бу гал ҳам шундай бўлди. Фақат яқшанбагача бетоқат бўлиб кетяпман-да. Бесабрлик билан кутяпман дам олиш кунини.

Демак боғда кўришгунча!..

Саида ЗОКИРОВА.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМЌАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
“Ijod dunyosi”
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-8129
Газетани
Муҳаббат
МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза
ЖАЛИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34

АЙБ КИМДА, БИЛМАДИК

«Тонг юлдузи» газетаси бизнинг энг сеvimли газетамиздир. Лекин минг афсуслар бўлсинки, биз барча мактаб ўқувчилари газетани ўз вақтида йил давомида ололмадик. Энди эса таътилимиз бошланди. Уч ой давомида газетамизни жуда- жуда соғинар эканмиз-да.

Ахир қандай қилиб мактабда вақтида етиб келмаган газета уйимизни топиб келаркин? Шу муоммолар мени уйлантиряпти. Айб кимда билмадим-у, ҳар ҳолда биз газетасиз зерикишимиз аниқ.

Дилноза ИСРОИЛОВА
Тошкент вилояти,
Бекобод тумани.

